

# Зулфияхоним издошлари сараланди



Қумқўрғон туманида иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, муносибларини Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия қилиш мақсадида "Зулфияхоним издошлари" сараланди.

Танловда адабиёт, санъат, маданият, фан, таълим, спорт ва жамоатчилик йўналишларида ижод қилаётган, фаолият юритаётган қизлар ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Туманнинг саралаш бочқичида ғолибликни қўлга киритган Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод қизлардан 7 нафари вилоят босқичига йўлланма олишди.